Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 107 (8. 049) ◆ 1992 йил 1 июнь, душанба ◆ Нархи 2 сўм

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов Тошкентда Италиядаги 20 тача фирма ва савдо ташкилоти тақдим этган халқ истеъмоли моллари ва саноат асбоб-ускуналарининг тижорат кўргазмасини бориб кўрди. Ушбу кўргазма Ўзбекистон — Италия «Ўзбегиминтернейшнл» қўшма корхонаси ташаббуси билан уюштирилган.

⊙ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида Япония ҳукумат делегацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

⊙ Ўзбекистонда прокуратура органлари ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишлаб йиғилиш бўлиб ўтди.

⊙ Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ тузилган республика ижодкорлар жамғармасининг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов ижодкорлар жамғармасининг раиси этиб сайланди.

ҲАМДУСТЛИКДА

⊙ Тбилисида 29 май куни Кавказорти ҳарбий округи қўмондонлиги ташаббуси билан ҳарбийларнинг Грузия, Арманистон ва Озарбайжон ҳукуматлари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда округ қўшинлари жанговар техникасининг бир қисмини ушбу давлатлар армиясига бериш тўғрисида келишилди. Жумладан Россия мудофаа вазирлиги билан Грузияга Батуми, Поти, Очамчиридаги ҳарбий денгиз базаларини у ердаги кемалар билан беришга келишиб олинди.

⊙ Бугундан бошлаб Украина фуқароларининг паспортларига ўзгартиришлар киритиш бошланади. Эндиликда улар паспортидаги «СССР» сўзи «Украина» сўзи билан алмаштирилади. Шу йил охиригача паспортларга ана шундай ўзгартишлар киритмаган фуқароларнинг бу ҳужжатлари ҳақиқий бўлмайди.

⊙ Қозоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилик турлари, шу жумладан, гўшт эркин нарх-навода сотиладиган бўлди. Бу ерда, шунингдек, ёнилғи-мойлаш материалларининг нархи Россия билан бир хил қилиб белгиланди.

ХОРИЖДА

⊙ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши Югославия иттифоқини тузган Сербия ва Черногорияни ушбу собиқ федерал давлатнинг бошқа икки республикаси — Босния ва Герцеговина ички ишларига аралашишда айблаб, уларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини кўллади. Эндиликда бу давлатлар билан савдо-сотиқ, маданий алоқаларга йўл қўйилмайди.

⊙ 13 июлда Ҳиндистонда навбатдаги президент сайловлари бўлиб ўтади.

⊙ Шимолий Корея баъзи оммавий ахборот воситаларида гўё у ўз ракеталарини Яқин Шарқ мамлакатларига сотаётганлиги тўғрисида таркатилган хабарларни қатъиян рад этди.

ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

ИККИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДА ДУСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ИЛГАРИ хабар бериб ўтганимиздек, 29—30 май кунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат делегацияси расмий ташриф билан Москвада бўлди. Делегация таркибида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Раҳим Ражабовлар бор эди.

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва у бошчилигидаги делегацияни Россия давлат котиби Г. Бурбулис ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Тайёрагоҳдан машиналар карвони илгаридан ажратиб қўйилган қароргоҳга қараб йўл олади.

Энг муҳим воқеалар 30 май куни бўлиб ўтди. Қисқа суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ҳужжатларни имзолашга киришадилар. Бу билан улар икки мустақил давлатлар муносабатларида янги саҳифалар очдилар. Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўз ичига ҳарбий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни қамраган ҳолда икки давлат фаолиятининг барча соҳалари ва жиҳатлари билан Россия ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларидаги келажак нишоналарини ҳам белгилайди.

Шартномаларни имзолаш расмий маросимидан кейин Борис Ельцин ва Ислом Каримов қисқача нутқ сўзладилар. Худди шу ернинг ўзида, Кремлнинг Владимир залида журналистлар билан учрашув ва матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ислом Каримов шуни таъкидладики, ушбу ҳужжатларнинг имзоланиши чегараларни қайтадан кўриб чиқиш хусусида гапираётганлар учун ҳушёрбахш бир омил бўлади. Россия билан шартномани имзолар эканмиз биз бу ишда барқарорликка кафолатни, тинчлик ва чегараларнинг барқарорлигини кўрамиз. Мухбирнинг Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ички чегаралар хусусидаги берган саволига жавоб қайтариб Ўзбекистон Республикасининг Президенти бу чегаралар ҳамон шаффоф бўлиб қолади ва у собиқ Иттифоқнинг ички чегаларини асло ўзгартирмайди, деб айтди. Узоқ йиллар мобайнида қарор топган собиқ СССР ва Ўзбекистоннинг чегаралари ўзгариши мумкин деган хом хаёлни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасин.

Борис Ельцин ушбу шартномани ўзаро манфаатли ҳамкорлик деб ҳисоблаётганлигини айтди. Ўзбекистон билан мустаҳкам дўстона муносабатлар ва иқтисодий алоқалар бизга жуда ва жуда ҳам керак.

2-Внуково тайёрагоҳида Ўзбекистон давлат делегациясини Россия давлат котиби Г. Бурбулис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни кечаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва унинг бошчилигидаги делегация Тошкентга қайтиб келди.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МИРИҚИШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ барча маданият ва истироҳат боғларида уч кун (30, 31 май, 1 июнь) мобайнида Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган катта байрам томошалари бўлиб ўтди. Тантана давомида болаларимиз спорт мусобақаларида ва танловларида қатнашиб, бирдамлик кўргазмаси, болалар дасталарининг чиқишлари, мусиқали театр дастасининг болаларга аталган шоу-дастури, қўғирчоқ театрининг томошаси ва бошқа кўпгина ўйинларни кўриб дам олишди.

30 май, шанба куни Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўйин-кулгилар бўлди.

Байрамнинг ташкилотчилари ва ҳомийлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, республика болалар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, республика ўқувчилар саройи ва болалар ижодиёти маркази эди.

5, 6, 7 июнь кунлари эса Тошкент шаҳар ёшлар иттифоқи комитети «Юлдузлар» гуруҳи билан ҳамкорликда «Алпомиш» спорт саройида «Келажак меҳрга муҳтож» деб номланган хайрия марафонини ўтказади.

Ғаффор ЙЎЛДОШЕВ.

БИРЛАШМА САРМОЯСИДАН

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасаддилари ишчиларга қулай бўлсин деб болалар боғчаси қурилишига кенг эътибор беришмоқда.

Яқинда бирлашмага қарашли 493-боғчада катта ўзгариш юз берди. Болалар сузиш ҳавзаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишларини Фарруҳ Шин раҳбарлик қилаётган ширкатчи қурувчилар адо этишди. Қурилиш учун маблағни корхона сармоясидан олинди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

БУНДАН бир қанча вақт муқаддам шаҳримиз марказидаги Карл Маркс кўчасида ташкил этилган ярмарканн ҳанузга қадар тошкентликлар гапириб юришади. Бу ярмарканнг ўзига хос томони шунда эдики, унда республикамиздаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари қўли билан тайёрланган турли-тумон халқ истеъмол буюмлари намойишга ва сотувга қўйилган эди. Бу маҳсулотларни харидорлар талашиб-тортишиб сотиб олишган эди.

Бозор иқтисодиётининг айни шу кунлардаги оғир бир кезларида, дўкон пештахталари ҳувиллаб ётган бир шароитда қандай бўлмасин истеъмол буюмларини кўпайтириш республика раҳбариятининг диққат-марказида турибди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов раислигида ўтказилган мажлисда ҳам бу борада амалга оширилиши керак бўлган аниқ тадбирлар ҳақида атрофлича гаплар бўлди.

Ҳа, халқимизга, унинг эҳтиёжига зарур бўлган истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш долзарб масалалардан биридир. Шу жиҳатдан олганда 30 май куни ўша биз юқорида номини тилга олиб ўтган Карл Маркс кўчасида ўзига хос ярмарка очилди. Ундан юқорида эслатиб ўтганимиз ва тилга олганимиздек, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари қўли билан яратилган саноат ва қишлоқ хўжалик моллари, бадиий буюмлар ва ёдгорликлар ўрин олди.

Хўш, бу ярмаркани ким ўтказяпти, у ўзининг қайси жиҳатлари билан диққатга сазовор? Бу ерда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси шундай ярмаркани ўтказиш ташаббускори бўлди. У хайрия руҳидаги ярмаркадир. Бу ерда яна бир гапни алоҳида таъкидлаш керак: ярмаркага қўйилган маҳсулотларнинг нархи тижорат ва давлат савдосида белгиланган нархдан бирмунча арзондир. Бундан ташқари бу ярмарка биринчи навбатда ўрта ҳол ва ундан ҳам оғирроқ шароитда яшаётган тошкентликларга мўлжаллангандир.

Биз ҳунар-техника таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Виктор Анварович Шарипов билан ҳунар-техника таълими тизимидаги ўқув-тарбиявий ишлар хусусида суҳбатлашдик, бозор иқтисодиётининг таълимнинг ана шу соҳасига кўрсатаётган таъсири, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар хусусида гаплашдик. Бинобарин ҳозирги пайтда республикадаги мавжуд 448 ҳунар-техника билим юртларида 220 минг йигит ва қиз 260 ишчи ихтисослиги бўйича таълим олмоқда. Шу боисдан ҳунар-техника таълимининг мавжуд тизимини сақлаган ҳолда бозорнинг ҳозирги қаттиқ талаб этадиган шароитларига кириш бўйича қадамлар қўйилмоқда.

** Бозор тадбиркорликни ёқтиради*

АРЗОН НАРХЛАРДА

Маълумки, халқ таълими бўйича қабул қилинган қонунда умумий 9/8-синф таълими хусусида гап боради. Бу гап ўз-ўзидан 10-синфларга қабул борасидаги талабчанликни оширади. Демак, 9/8-синфларни битирганларнинг 80 фоизи бундай синовларга бардош беролмайди. Ана шундай пайтда эса ҳунар-техника билим юртларининг роли кучаяди. Чунки жуда қисқа муддат ичида — 1992—1993 янги ўқув йилидан бошлаб бир ярим йил мобайнида 2—3 аралаш касбни эгаллаш мумкин. Бу бўлғуси касб эгаларидан катта ҳаракат ва ғайрат шўрсатишни ҳам талаб этади.

Ҳозирги пайтда ҳунар-техника таълими тизимида хусусий хўжалик ҳисоби белгилари ҳам жорий этилмоқда. Бу нарса бошқарув базасини сақлаш, муҳандис-педагогик ходимларни рағбатлантириш, ўқув жараёнида ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлган ўқувчиларнинг маошини оширишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳатидан ҳам огоҳ бўлганингиз яхши. Агар авваллари билим юрти раҳбарининг ўқувчиларни у ёки бу турдаги халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича қилган ҳаракати уни жазолаш билан тугаган бўлса, бугунги кунда шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳар бир билим юртида йўлга қўйилган. Шу жиҳатдан олганда билим юртларининг мураккаб ва катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган қувватлар билан бойитиб борилаётганлигини таъкидлаш даркор. Бу борада республика ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона вилояти ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўртта ўқув-ишлаб чиқариш марказлари фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Қилинаётган бундай саъй-ҳаракатлар ўз мевасини беряпти: шу йилнинг ўзида ўқувчиларнинг ўқув жараёни пайтида ишлаб чиқарган саноат буюмлари ҳажми 260 миллион сўмни, ўқув участкаларида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 50 миллион сўмни ташкил этажагини таъкидлаш керак...

Гапимизни мухтасар этиб яна Карл Маркс кўчасида очилган ярмаркаю унга қўйилган маҳсулотларга қаратмоқчимиз. Ярмаркадан тикувчилик ва заргарлик буюмларини, ёш пазандалар тайёрлаган ноз-неъматларни, ёғоч ўймакорлиги буюмларини, қўйингки, рўзғорда нимаики керак бўлса шундай истеъмол молларини харид қилиш мумкин эди. Бу буюмлар сўзсиз сизга манзур бўлади, чунки у ҳунар-техника билим юртларининг қалби олов ёшлари ва уларга турли касб сирларини ўргатаётган устозларнинг олтин қўллари билан тайёрланган. Бинобарин меҳр қўйиб, ўз касбидан завқланиб қилинган меҳнат маҳсули ва меваси ҳам ширин ҳамда бошқаларга манзур бўлади. Ярмаркага қўйилган ранг-баранг маҳсулотлар ушбу фикримизга яққол бир мисол бўла олади.

Санд БОБОЕВ.

НАФАҚА ПУЛИМДАН

МЕН 26 йилдирки, «Оқшом» мухлисиман. Рўзномага яна қайта обуна бошланганини эшитиб алоқа бўлимига бордим. Фақат мен эмас, оиламизлагиларнинг ҳамма катта-кичиклари рўзномада чиққан мақолани қўлма-қўл олиб, ўқиб чиқишади.

Биламан, ҳозир қоғоз қимматлашиб кетган, бунинг устига рўзномага ишлатиладиган бўёқлар нархи ҳам жуда баланд деб эшитдим. Вақти келиб, қоғоз ҳам, бўёқ ҳам ўзимизда чиқар, арзон бўлиб қолар. Бугунги қийинчиликлар н и н г ортда қолишига астойдил ишонаман. Шунинг учун ҳам яқинда олган нафақа пулимдан ҳозирча уч ойга — 95 сўм тўлаб «Оқшом»га обуна бўлдим. Чунки бу рўзномани ўқиб ундаги янгиликлардан хабардор бўлиб турмасам, худди бир нарсани йўқотиб қўйгандек бўлиб қоламан.

Мансур МУҲАМЕДОВ,
80 ёшли меҳнат фахрийси.

ДАРРОВ ЁЗИЛДИМ

— Дада, «Оқшом» келмаяпти, ёзилишимиз керак экан, — деди қизим Муножот хавотирга тушиб, — дейди биз билан телефон орқали суҳбатда жумҳуриятимизда машҳур шахмат устаси Мамажон ака Муҳиддинов. — Дарҳақиқат, «Тошкент оқшоми» биз яхши кўрган рўзномалардан биридир. Мен «Оқшом»га биринчи сонидан бошлаб мақола бергаман, 26 йилдан бери узлуксиз ёзилиб келадиган рўзномам ҳам шу. Қизимнинг гапини эшитдиму дарров ёзилдим. Нарх-навонинг ошиши, айниқса қоғознинг қимматлашиши рўзнома ходимларини анча ноқулай аҳволга солиб қўйди. Мен бу рўзноманинг келажагига ишонаман. Чунки унинг ҳар бир сонини зориқиб кутувчи содиқ муштарийлари бор.

Собир АЗИМОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан меҳр-мурувватни ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, касалликларнинг олдини олиш ва даволашдаги фаоллиги ҳамда жамоат фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси энг яхши ўрнак кўрсатган тиббиёт ходимлари ва Қизил Ярим Ой жамияти фаолларидан бир гуруҳига фахрий унвонлар берилди. Мукофотланганлар орасида, жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»:

Азизова Санъат Собировна — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири

Қодирова Асолат — Тошкент давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири.

Ўнгбоев Тоштемир — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Мирзаев Шоакбар Иноғомович — Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 8-поликлиника бош шифокори

Мирҳўжаев Соқи Хўжаевич — Тошкент давлат тиббиёт институтининг проректори

ҚУЙИДАГИЛАРГА ЭСА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БЕРИЛДИ:

Астахова Лариса Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий Комитети тиббий-ижтимоий ёрдам ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Жалолова Лола Хоруновна — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Эшонхонова Светлана Абдуллаевна — Ўрта Осиё темир йўли «Тошкент» бекатидаги санитария-эпидемиология назорати бош шифокори

Кучербоева Комила Оролбоевна — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман Қизил ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизматининг тиббий ҳамшираси

Прихожаева Мария Егоровна — Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар комитети меҳр-мурувват хизмати тиббий ҳамшираси

Салимов Ботир Тошпўлатович — Тошкент шаҳар, Қизил ярим ой жамияти Собир Раҳимов туман комитети раисининг ўринбосари

Тошмуҳамедов Обиджон Арслонович — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий комитетининг ишончли шифокори

ҲАЁТ ШУЛАРДАН БОШЛАНАДИ



БЕКТЕМИР райони ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП Бектемир район кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи район қўмитаси биргаликда «Биз билан бирга болаларча эртак оғушида» деб номланган тадбирни ўтказдилар.

Кичкинтойларнинг байрам шодиёналари «Роҳат» кўли ёқасидаги дам олиш масканида ташкил қилинди. Байрамга райондаги мавжуд болалар муассасаларидан, шунингдек барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари таклиф қилинди.

— Болаликка — бутун умримизни, билимимизни бахшида этайлиқки, болалар қалбига чин инсонийлик, дўстлик, ватанпарварлик, мардлик каби хислатлар сингиб кетсин, — дейди район ҳокимининг муовини Хайринисо Мирзажонова. — Биз бугунги байрамни ташкил қилишда бу хислатларнинг бирортасини ҳам четлаб ўтмаслиққа ҳаракат қилдик. Байрамда турли миллат болалари қатнашдилар. Улар учун турфа хилдаги тадбирлар, мусобақалар тайёрланди. Унда ғолиб чиққанларга ҳар хил ўйинчоқлар ва эсдалик совғалари тортиқ қилинди. Хуллас, районимиз болалари ва ота-оналар бугунги байрамдан ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

Дарҳақиқат бу байрам бектемирликлар учун ҳақиқий шодиёнага айланди. Айниқса цирк томошалари, «Болалар» ва «Шаҳзод» дасталарининг чиқишлари тантаналарга ўзгача файз-латофат бахш этди.

Байрамга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби, Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов, Бектемир райони ҳокими Г. И. Соболев, ХДП Бектемир район кенгашининг биринчи котиби Р. Т. Маматовалар ташриф буюришиб, болаларни ажойиб байрам билан чин юрақдан табриклашди.

Мажид РАЙЙОВ.

СУРАТЛАРДА: «Биз билан бирга болаларча эртак оғушида» байрамидан лавҳалар.

Рустам Шарипов суратлари.

ЎЗИМИЗНИНГ МАТОДАН

ЖУМҲУРИЯТ либослар театрида катта қизиқиш билан ўтган баҳорги-ёзги кийимлар кўргазмаси ихлосмандларнинг талаб-истаклари остида яна давом этадиган бўлди.

Бундан ташқари, жамоа кузги-қишки кўргазма намойишига ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Модалар марказининг бош санъатшуноси Нигора Муҳамедованинг айтишича, навбатдаги кўргазмага болалар ва катталарнинг мавсумий туркумдаги кийимлари тақдим этилади. Либослар моданинг янги қирраларини ўзида мужассамлаштирган ҳамда миллий ва ҳалқ ҳунармандчилигидаги ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

Намойиш қилинадиган либослар асосан жумҳуриятимиз саноат корхоналари, жумладан, Марғилон, Самарқанд ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Марғилондаги «Атлас», Андижон ва Тошкентдаги ип-газлама комбинатларида тайёрланган матодан тикилган.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

АМЕРИКА ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг машҳур саноат дарғалари — «Женерал электрик», «Женерал моторз», «Боинг», «Крайслер» ва бошқа йирик фирмаларнинг вакиллари якшанба куни Бешкекдан Тошкентга учиб келишди. Бундай йирик саноат делегацияси жумҳуриятимизга илк бор ташриф буюрмоқда.

Американинг саноат дарғалари Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари билан яқиндан танишиш, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ўрнатиш ниятидадирлар.

Бугунги кунда бу трансмиллий корпорацияларнинг ўнлаб филиаллари жаҳоннинг турли бурчакларида муваффақият билан фаолият кўрсатишмоқда. Шуни ҳисобга олиб Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда қўшма корхоналар очиш масаласи ҳам муҳокама қилиниши табиий. Америка корчалонларининг Тошкентга сафари нақадар муҳим аҳамиятга моликлигини шундан ҳам билса бўладики, делегациянн сафар чоғида турли вақтли матбуот нашрларига мансуб 15 мухбир кузатишмоқда.

Тилаб МУРОДОВ.

САФАРНИ КЕЧИКТИРИНГ

САЙЁҲЛИК бюролари, ташкилотлари орқали хорижий мамлакатларга сафар қилиш тараддудига тушганларнинг сони кундан-кунга ортмоқда. Бу бежиз эмас, нега деганда бироз ҳаражат эвазига ҳам саёҳат, ҳам даромад қилиш мумкин. Сайёҳлик йўналишларининг жуғрофияси ҳам чек-чегара билмайди. Бу ёғи Польша, Туркия, бу ёғи Саудия Арабистони, Ҳиндистон... Дарвоқе, Ҳиндистон хусусида... Яқин кунлар ичида Ҳиндистон томон йўлга чиқишни мўлжаллаган сайёҳларимизнинг диққатига бир хабарни етказиш ниятидамиз. Маълум бўлишича Деҳлида вабо ўлати тарқалган. Бу юқумли касалликнинг миқёси нақадар катталигини шундан билса ҳам бўладики, бир неча кун ичида Ҳиндистон пойтахтининг касалхоналари беморлар билан тўлиб кетди. Касалланганлар орасида ўлганлари ҳам бор.

Агар Ҳиндистонга қиладиган саёҳатингиз шу кунларга тўғри келадиган бўлса, яхшиси кечиктиринг. Даромад қилиш яхши-ю, лекин барибир саломатликнинг ўрнини босолмайди.

Комил НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

* Фан уфқлари

КЕНГ КЎЛАМЛИ ЕЧИМЛАР

⊙ Эртага Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик илмгоҳида «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифаларн» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтади. Унда ижтимоий-гуманитар фан бўлмиш фалсафа, тарих, адабиёт, тилшунослик каби соҳаларнинг кўзга кўринган олимлари иштирок этишади. Шу муносабат билан мухбиримиз анжуманнинг мақсади, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳининг директори, тарих фанлари доктори Асомиддин УРИНБОЕВ билан суҳбатлашди.

— Асомиддин Уринбоевич, эртанги анжумандан кўзланган мақсад хусусида сўзлаб берсангиз.

— Эртанги анжуманимиз номланишидан кўриниб турибдики, у республикамиз мустақиллиги билан бевосита боғлиқ. Шу пайтга қадар шарқшунослик фани умуминтифоқ мақсадларини кўзлаган ҳолда марказ томонидан мувофиқлаштирилар эди. Лекин республикамиз мустақил бўлгач, асосий эътиборни халқимиз талабига қаратдик. Бу борада ижтимоий фанлар мутахассислари олдида ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Жумладан Давлат мақомини олган тилимиз софлигига эришиш, ота-боболаримиз қолдириб кетган тарих, адабиёт, эшшунослик, сиёсат, маданият соҳасидаги ноёб мерос бўлган қўлёзма асарларни халқимизга етказиш ва ҳоказо.

— Шарқшунос олимлар олдида ушбу мақсадлар йўлида қандай вазифалар турибди?

— Бу борада илмгоҳимиз жамоаси икки йўналишда иш олиб бормоқда: биринчиси, ёзма ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш: иккинчиси, хорижий Шарқ халқлари тарихини ўрганиш. Ҳозирда бизда 40 минг қўлёзма, 30 минг тошбосма. 100 минг атрофида фан, маданиятга оид ноёб асарлар, ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳужжатлар сақланмоқда. Ушбу ҳали ўрганилмаган меросимизни оммага етказиш (илмий-изоҳли таржималарда) учун озмунча вақт ва меҳнат талаб этиладими. Шундай бўлса ҳам қисқа вақт ичида тарихий, илмий асарларни нашрдан чиқаришга улгурдик. Уларга мисол қилиб, Наршаҳийнинг «Тарихи Бухоро», Ҳофиз Бухорийнинг «Абдулланома», «Муқимхон тарихи», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн», Маҳмуд ибн Валийнинг «Маҳрул асрор» асаридан парча, Фасихий Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий, Абу Наср Фаробий, Ал Хоразмий, Беруний фан тарихига оид асарлари ва бошқаларни айтиш мумкин. Хорижий Шарқ халқлари тарихини ўрганиш эса илм-фан, адабиётнинг, чегара билмаслик фазилатини англатиб, катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Худди шунингдек, олимларимиз олиб бораётган изланишлар қадимда Ўрта Осиё халқларининг дунё фанига катта ҳисса қўшганига ишора қилади.

— Ҳозирги пайтда мактаб ўқув дастурига аждодларимиздан қолган тарбиявий, тарихий ва илмий асарлар киритилса деган таклифлар бўлмоқда...

— Ўзингизга маълумки, тарих, таълим-тарбияга оид бир қанча асарларни нашрдан чиқарганмиз, ҳатто мактаб ўқув дастуридаги «Одобнома» дарсига улар қисман киритилган ҳам. Лекин уларни мукаммал ўқув дастури сифатида ишлаб чиқиш учун услубшунос муаллимлар билан ҳамкорлик қилишимиз лозим.

— Муаммолар ҳам бордир?

— Асосий муаммо ходимлар масаласидир. Қўлёзмалар билан ишловчи мутахассисларимиз кам. Уларнинг ҳам аста-секин ёши ўтиб бормоқда. Шарқшунослик олий билимгоҳини битириб чиқаётган ёшлар орасида эса илм билан шуғулланишни хоҳлаётганлар ниҳоятда оз. Ваҳоланки, олим кичик бир асарни нашрга тайёрлаш учун илмгоҳимизда катта тажриба орттирган бўлиши шарт.

— Ҳозирги кунда илмгоҳ жамоаси қандай фаолият билан банд?

— Олимларимиз бугунги кунда маданий меросимиздан бир қанчасини нашрга тайёрлашмоқда. Улар орасида Амир Темур даври ҳақида ҳикоя қилувчи Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» ва Шарафиддин Али Яздийнинг ҳам худди шу номдаги тарихий асарларини айтиб ўтиш жоиз. Яна икки йилдан сўнг дунё миқёсида нишонланадиган Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тавваллудига бағишлаб алломанинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини чоп этиш тадбирлари олиб борилмоқда. Олдимизда эса Ислом тарихи, Бобурийлар даврига оид манбалар, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишига доир асарларни нашр этиш вазифалари турибди. Эртанги бўладиган илмий анжуман эса илмгоҳимиз фаолиятини давр талабига яқинлаштиришига умид қиламан.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Бадал тўлашдаги янгилик

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлар иттифоқи қўмитаси ажойиб бир ташаббус билан чиқди. Улар томонидан куни кеча бюро муҳокамасига қўйилган масала кўпчиликни қизиқтирди. Гап шундаки, қўмита бундан буён олинадиган аъзолик бадаллари тўловининг янги тартибини жорий этиш тараддудида.

Бугунгача иттифоқ ёшлари иш ҳақларининг 1 фоизи миқдорида аъзолик бадаллари тўлашарди. Заводда ишлаётган ёшларнинг аксарияти 2—3 минг сўмга етказиб иш ҳақи олишини назарда тутадиган бўлсак, ойига 20—30 сўм аъзолик бадалини тўлашга кўпчиликнинг оғринганги рост.

Янги тартиб бўйича ойига 1000 сўмгача иш ҳақи оладиганлар 5 сўм, 1000 сўмдан ошиқ маош олувчилар эса 10 сўм миқдорида аъзолик бадалларини тўлайдилар.

— Бора-бора аъзолик бадаллари ундиришни умуман бекор қилмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда қўмита раиси Баҳром Нишонов.

— У ҳолда ёшлар ташкилоти нима ҳисобига фаолият кўрсатади?

— Қўмита қошида очилган икки кичик корхонамиз бор, — дея давом эттиради суҳбатдошимиз. — Улар мустаҳкам оёққа туриб олгач, ташкилотимизни бемалол маблағ билан таъминлай оладилар.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

МАЪЛУМКИ, ҳар йили республика ўқувчилари ўртасидаги фан олимпиадалари ғолиблари иттифоқ олимпиадаларида куч синашадилар. Ғарчанд иттифоқ тарқалиб кетган бўлсада Ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи жумҳуриятларининг энг аълочи ўқувчилари илм-фан соҳасида баҳсларни давом эттирмоқдалар. Табиий фанлар соҳасида ўзбек ўқувчилари бу йил айниқса катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Беларусь республикасининг Гомель шаҳрида собиқ Иттифоқнинг 14 та республикасидан келган болалар «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» илми бўйича ўз кучларини синаб кўрдилар. Мустақил Ўзбекистондан қатнашган ўқувчилар бу мусобақада жамоалар орасида Беларусь ва Россия командаларидан сўнг учинчи ўринни олдилар. Бундай натижага информатика соҳасида биринчи марта эришилди. Шахсий ҳисобда тошкентлик тўққизинчи ва ўнинчи синф ўқувчилари Шаҳруз Аширов, Леонид Тин, Фарғонадан Жаҳонгир Ҳамтов, Оқил Содиқовлар биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар билан тақдирланиб, кейинги йилда ўтказиладиган халқаро олимпиадага номзод бўлишди. Шу билан бирга бу ўқувчиларга республика олий ўқув юртларига имтиёзли кириш ҳуқуқи ҳам берилди. Иқтидорли болаларнинг бу катта муваффақиятга эришишида уларнинг устозлари Л. Галкина ва Т. Азларовларнинг меҳнатини эътироф этиш жоиз. Бу муаллимлар ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш билан бир қаторда сафарларида раҳбарлик қилдилар.

Илгари ўзбекистонлик болаларнинг математикадан эришган ютуқлари ҳақида мамнуният билан хабар қилган эдик. Қадимда бу ҳар икки фан бизда ривожланиб, буюк ўзбек алломалари жаҳонга донг таратган эди. Ажаб эмас, юқоридаги тилга олинган иқтидорли йигитлардан келгусида жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиқса.

Бахтиёр КАРИМОВ.

* Бугун—Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни

ҲАР КИМНИНГ БУРЧИ

АКМАЛ Икромов районида болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунини нишонлашга кенг тайёргарлик кўрилди. Шу муносабат билан район марказидаги Акмал Икромов хиёбонида 31 май куни болалар учун байрам маросими ўтказилди. Унда кичкинтойларга концертлар уюштирилди, моҳир ошпазлар катта қозонда ош дамладилар.

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан райондаги 8-поликлиника шифокорлари, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирув ва тикув фабрикаси ишчи ва хизматчилари, 344—«Ором» болалар боғчасининг тарбияланувчи ва ходимлари, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари, 228-ўрта мактаб ўқитувчилари бир кунлик иш ҳақларини «Муҳаббат» болалар уйи ҳисобига ўтказдилар.

Байрам арафасида район ҳокими Қ. М. Рафиқов ва халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби Ш. Ш. Ёқубовлар ЮНЕСКОга байрам телеграммасини юбордилар. Бу анжуман «Болалар бизнинг келажагимиз — уларни бахтли қилиш ҳар кимсанинг бурчидир!» шиори остида уюштирилди.

Суннат АЗЛАРОВ.

МИРЗО Улуғбек районидаги 426-болалар боғчасида кичкинтойларни эстетик руҳда тарбиялашга муҳим эътибор берилади. Бунда мусиқа раҳбари Ферузахон Раҳимованинг ҳиссаси катта.

СУРАТДА: Ферузахон Раҳимова боғча тарбияланувчилари даврасида.

Рустам Шарипов сурати.

БОШЛАРИНГДАН НУР ЁҒСИН

БОЛА сўзини тилга олган кексаю, ёш, онаю ота, опаю ука баробарига қувонади, бутун вужуди офтоб нуридан баҳраманд бўлгандек ёришиб кетади. Лабларига табассум ёйилади. Бола! Бола шунақа ширин бўлади! Болага бўлган она меҳрини Ернинг тортиш кучига қиёс этса бўлади. Агар Ернинг тортиш кучи бўлмаса, ер юзи узра маржон бўлиб ётган нарса-предметларнинг ҳар томонга сочилиб кетиши муқаррар эди. Минг шукрки, ер тортиш кучи мавжуд. Бу эса ер юзида ҳаётнинг абадий давомини таъмин этади. Тасаввур этинг, она-отанинг фарзандга меҳри узилса, гўдак қаровсиз қолса... у ўзича ҳаёт заҳматларидан осон ўта оладими? Йўқ! Гўдакка ғамхўрлик, эътибор керак. Бу эътибор меҳр билан қоришиқ бўлмас экан, бепарволик, беэътиборлик, лоқайдлик пайдо бўлади. Буни гўдак дарҳол пайқайди. Қўнгли ўксийди. Юзида жилваси, кўнглида ишончи йўқолади...

Ушбу мураккаб ҳаётимизда ҳар хил воқеаларга ҳам дуч келаётирмиз. Ёш оналар фарзанд қадрини, меҳрини унутиб, гоҳида янги туғилган гўдакни ахлат қутиларга қўйиб кетишмоқда. Гўё шу билан фарзанд боқишдан қутилдим, деб ўйлашади. Лекин билишмайдики, бу содир этилган, бир лаҳзалик аччиқамал билан қилинган иш — уларни бир умр ситам ва виждон азобига солади. Еган-ичганида ҳам, кулгу ё оҳида ҳам ҳаловат йўқолади. Тушларида ҳам, ўнгида ҳам ўз гўдаклари кўз ўнгиларида туриб қолади. Ҳа, мангу туриб қолади. Нари кетмайди. Устига-устак улар бола кўтарган ҳар бир онанинг қўлига термулишади. «Шу бола меники эмасмикан», деб зор-зор нафас олиб, энтикишади. Унсиз фарёд юрак-юраклари, томир-томирларини зилзиладек тебратиб ташлайди.

Бола ширин, одоби ундан ширин, деган нақл бор улуғ ўзбек халқида. Шундай экан, энди бу ёғига ўзбек халқи озод, Ўзбекистонимиз мустақил экан, бизнинг зиммамизга энг масъулиятли бурч юкланади. Яхши инсонни яратиш бурчидир бу! Чин инсонни яратишда фидойи бўлайлик, токи фарзандларимиз дониш, оқил, меҳрибон, олижаноб, каттага ҳурмат, кичикка иззат руҳида тарбия кўрсин!

Бугун — болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида уларни ана шу эзгу туйғулар билан бирга ҳимоя қилайлик!

Болаларимиз соғ бўлишсин. Оналаримиз соғ бўлишсин! Оталар бошимизда соябон, умр йўлида суянчиғимиз бўлсинлар. Разолат йўқолсин, адолат бор бўлсин. Сабот, сабр-тоқат бизга ҳамдам бўлсин.

Тонг ҳавоси яратган намлар—
Бунёд этар майсада инжу.
Япроқларга қўнган шабнамлар
Томчи бўлсам, деб қилар орзу!
Қўшиларкан томчи-томчига
Чўзилади ерга ип мисол.
Сўнг эгилиб-ўхшаб қамчинга
Излаб кетар йўлида висол.
Энди номи югурик жилға,
Шилдирайди, оқади шодон.
Сой бўлганда киради тилга,
Тошдан-тошга сакрайди хандон.

Қўшилганда сойга-сой жўшиб,
Дарё дерлар, наҳри уммонни.

Йўлларида сувга сув қўшиб,
Чанқоғини босар инсоннинг!
Сир тинмас, сира тинчимас,
У денгизни излайди энди.
Не мушкулга солма, инжимас,
Қатъий умид қийинни енгди!!!
Шундоқ экан ҳаёт заҳмати,
Туғилдингми, бошқа бор ташвиш.

Чида экан — Аллоҳ раҳмати,
Ким чидамас—юраги ғашмиш!
Маҳинбону! Азиз набирам,
Тўлган кунинг бугун бир ёшга.

Тилагим шул: яшил бокирам
Битган бўлгин бир умр бошга!
Жилға бўлсанг, энди дарё бўл,
Ҳаёт деган ўзан узра оқ.
Сувдек сероб меҳринг бўлсин мўл,
Йўлларингда сўнмас чироқ ёқ!!!
Отанг-онанг бахтиёр бўлсин,
Тикилганда сенга умидвор,
Такрор айтар аҳди бор бўлсин,
Орзусига қўнмасин ғубор!!!
Ер меҳрини боғлаб қўй қаттиқ,
Умр кечмас шунда бесамар,
Десинларки: биз лаззат тотдик,
Бошларидан нур ёғдир—қамар!
Товушимни эслаб қолганинг,
Кўрганингда кулиб наридан,
Жигарим, деб таниб олганинг
Менга азиз бари-баридан!
Бўйинг ўссин, ўзингдан кўпай,
Буванг, бувинг бўлсин парвона.
Бахтинг тилаб, пешонанг ўпай,
Асрларга бўл, деб равона!
Келиб турар бир эркалагим:
Мангу яйра, мангуга қувон.
Дея, вожиб бўлсин тилагим!
Шеърга қўяр имзосин буванг!

САЙЁР.



БОЛАЛИКНИНГ бахтли онлари.

Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

* Бувижон, ўқиб беринг

АҚЛ ВА БАХТ

(Эртак)

БОР экан, йўқ экан, бир жойда чол-кампир, қизи уччови боғ парваришлаб ундан келган олма, ўрик, шафтолиларни сотиб, эплаганларича кун кўришаркан. Боғни қанча севиб, авайлаб, тер тўкиб парвариш қилишса боғ шу қадар серҳосил бўлиб, боғга кирган кимсанинг дили яйрар, боғ эгаларига олқиш айтишаркан.

Кунлардан бир куни чол қазо қилиб кампир қизи иккови қолибди. Меҳнатга ўрганган она қанча уринмасин ишлари орқага кета бошлабди. Қизи ялқов бўлса, ёлғиз кампирнинг қўлидан нима келсин? Кампир куйиб-пишиб нолий бошлабди: «Қани энди бир азамат ўғлим бўлсайди, дилимга мадор бўлиб боғни яшнатмасмиди? Ҳеч бўлмаса сенга тузук-куруқ меҳнаткаш бир эр топилақолсаям майлийди, ичкуёв қилардим».

Кампирнинг кўнглидагидек ичкуёв ҳам топила қолибди. Жонкуяр, ишчан ва меҳрибон эмиш. Кампирга оғир иш қилдирмас, барча ишни ўзим бажараман дермиш. Қизи ҳам унга эргашиб, яхши ишлай бошлабди, боғ яна ҳам обод ва гўзал бўлибди.

Бир куни шу боғ яқинидан Бахт билан Ақл икковлари сўзлашиб ўтиб боришаётган экан. Бахт боғ томонга ишора қилиб Ақлга:

— Биласанми оғайни, буларнинг ҳаётлари эски уйдек нураб тўкила бошлаган эди, мен вақтида буларни қутқариб қолдим, яъни, ишчан, меҳрибон, йигитни бу оилага бошлаб келиб жойлаштирдим, барчаларини бахтли қилдим, — дебди.

— Йигитнинг миясига мен ақл-инсофни жойлаганман. Ақли бўлмаса йигит бахтга етиша олмасди, — дебди Ақл кулимсираб.

— Йўғе, ақли бўлмаса ҳам бахтли бўлиши мумкин! — дебди Бахт.

Икковлари тортишиб қолишибди.

— Бўлмаса бу йигитнинг миясидан ақлини олиб қўйайчи, қандай аҳволга тушаркинлар? — дебди Ақл.

Йигит ақлидан ажралиб қолибди! Гангиб уёқ-буёққа боқармишу нима қилишини билмасмиш. Бирон яхшироқ фикр миясига келмасмиш. Иш қилай деса иш кўзига хунук кўринармиш. Бозорга гўшт-ёғ олишга борган экан, аллақандай безори уни эгри йўлларга торта бошлабди. Уйига тентираб келаётиб йиқилиб тушиб усти-боши лой бўлибди. Қўлидаги рўмолидаги гўшт бир четга учиб тушиб, уни кучуклар тортқилаб кетишибди. Аллақандай қора, ёвуз башара унинг аҳволига хохолаб кулиб ўтибди: «Ҳо-ҳо-ҳо... мен кўролмасликнинг қўлига тушдингми, энди куйимга ҳали кўп ўйнайсан!» Ҳовлида бўлса қари она ва қизи иккови юраклари хавотир олиб йигитни кутишар, у бўлса юзини кучуклар ялаб, кўприк ёнида ағанаб ётганмиш. Охири уни икки таниш киши қўлтиқлаб, судраб олиб келиб, ҳовли эшиги ёнига ташлаб кетишибди. Йигит ғўлдираб ўзича нималарнидир куйлармиш.

Кампир билан қизи уни таниб уйга судраб олиб киришибди:

— Вой тавба, — дейишибди улар, — бу қанақаси бўлди энди, сизга нима бўлди? Гўштга кетган эдингиз, гўшт қани?

Йигитнинг миясида бирон маънили фикр йўқ, қовоқдек бўш эмиш.

Шу кундан бошлаб оила бузила бошлабди. Йигит турли бойликлар ҳақида гапирармишу ўша бойликларни меҳнат, тиришқоқлик, билим орқали топилиши ҳақида сира ўйламасмиш. Қисқаси ишламай емакчи бўлган текинхўрга айланиб қолибди. Бундай кимса билан яшаш жуда қийин бўлибди. У аллақандай порахўр, ўғриларга шогирд тушиб, ўшаларнинг хизматини қилиш одатини чиқарибди.

Бир куни кампир йўқлигида: «Кампир эридан қолган пулларни сандиғида яширса керак!» деб сандиқни синдириб, бузиб очибди. Лекин ҳеч нарса топа олмабди. «Эрингдан қолган пулларни топиб бер!» деб кампирга дўқ қилибди.

Бу аҳволни кўриб юраги ачишган Бахт Ақлни қидириб топиб ундан илтимос қилибди:

— Бошидан ақл кетган одамда бахт бўлмаслигига ишондим. Йигитнинг ақлини жойига кирит, йўқса, бутун бошли оила хароб бўлаёзди!— дебди.

Ақл билан Бахт иккови шошиб ҳовлига киришибди. Ақл унинг калласидан жой олибди. Шу замони йигит уйқудан уйғонгандай атрофга аланглаб, тушуна олмай анграйиб боқибди.

«Ия, ишлар қолиб кетибдику, бу қанақаси бўлди?» — деб ишлашга шошилибди. Кампирдан, аёлдан, ҳатто боласидан ҳам кечирим сўрабди.

Шундай қилиб, азизларим, Ақл бўлмаган жойда Бахт қочар экан, одамни ҳалол йўлга солиб, бахтли этувчи Ақл ҳисобланаркан.

Турғунбой ҒОЙИПОВ.

* Шахсий фикр

АЛАНГАЛИ ҚАЛБЛАРНИ КАШФ ЭТАЙЛИК

ҲОЗИРГИ кунда бир ғалати ҳодисани кузатиш мумкин: ҳамма сиёсатчи — шофёрдан шоирга қадар! Бу табиий! Ахир инсоният тарихида ва ҳозирги даврда ҳам сиёсатдан ва иқтисодиётдан бошқа яна қандай энг чигал, энг қийин қонунларини англаш ва ўзлаштириш, теран тафаккур ва ақл-заковат талаб этадиган ижтимоий ҳаёт соҳалари бор?

Илгари Хитойда «шэньши» деб аталадиган одамлар гуруҳи бўлар экан. Бу сўз «фозил кишилар» маъносини англатган. Улар олимлик унвонига имтиҳон топшириб, давлат ва жамоат мансабларини эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритар эканлар. Биз ошкоралик ва демократия атак-чечак қилаётган даврда яшаяпмиз. Давлатчилик тараққиёти ҳам улкан қадамлар билан одимлаётганига гувоҳмиз. Атиги бир йил ичида парламентар республикадан президентлик республикаси — Президентни халқ сайлайдиган давлат шаклига эга бўлдик.

Ҳозир ҳар қадамда хўжасизликка гувоҳмиз. Тартибсизликни-ку қўяверинг. Унинг кўп томонлари ҳар бир фуқаронинг талабчанлиги, фидойилиги билан ҳам бартараф этилиши мумкин. Лекин шу тартибсизликни тўғрилаш учун ҳар куни «жангга кириш» талаб этилади. Ҳокимият, қонун ўрнатадиган тартибга эса ҳамма ҳар куни риоя этишга мажбур. Мана қаранг, ишлайдиган ишхонамга яқин ерда жойлашган дўконда бошқа, Қорасув мавзесида Мирзо Улуғбек районига қарайдиган дўконларда эса бошқа нарх борга ўхшайди. Яна бир мисол: мен туғилиб ўсган Паркент районида давлат хонадонларидан ҳар литр сутни арзимаган нархда қабул қилади, сотиш эса... Шу инсофданми? Биз ҳуқуқий давлатда яшашни буюк орзулар сирасига қўшиб қўйдик ва унинг ушалишида дастлабки қадамларни қўяяпмиз. Ҳамма гап жонкуярларни танишда, уларни ишлата билишда.

Дунёда ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Абадий нарсанинг ўзи йўқ. Демак, биринчи навбатда тежамни ўрганишимиз зарур! Топилган нарсани тежамас эканмиз, уринишларимиз беҳуда кетаверади назаримда. Чунки оддий хас-чўпдан тортиб, улкан заводгача ўзимизникими!? Демак, йиллар давомида шаклланган мутлиқ қобиғини тезроқ ёриб чиқиш шарт!

Шу кеча-кундуздаги иқтисодий тушкунликдан тезроқ чиқишимиз учун янги кучларни ишлаб чиқаришга сафарбар этишимиз керак. Янги куч деганда маҳорати, ишлаб чиқариш кўникмаси бор, ҳали тахи «бузилмаган» мутахассисларни назарда тутяпман. Улар заводларда, фабрикаларда, турли корхоналарда етарли малака ҳосил қилишган. Навқирон илмий кучларимизнинг аҳволи ҳам худди шундай.

Менда яна бир фикр бор: Туркияга ўқишга борадиган кишиларни махсус танлов орқали аниқлаш зарур. Танлов ғолиби, марҳамат, ўқишга борсин. Шунда ҳамиша қуруқ гап билан иш битирадиганлар камроқ бўлади. Ахир Туркияда ўқиб келадиганлар — Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги-ку!

Ўзбекистоннинг шаҳар-қишлоқларида миллионлаб зукко, нияти пок, виждони ҳалол, ақли ўткир инсонлар бор. Фақат кул остида ётган олтинларни, орзу тўла алангали юракларни кашф этиш, топиш, уларни ишбилармонлар қаторига тортишимиз, иқтисодиётимизнинг янги азамат дарахтини ўстиришимиз керак, холос!

Султон ХОЛНАЗАРОВ,
Қомуслар Бош таҳририяти бўлим мудири, Журналистлар уюшмаси аъзоси.

** Буюк сиймолар*

МУТАФАККИРНИ ИЛҲОМЛАНТИРГАН УЛУҒБЕК

БУЮК француз маърифатпарвари ва инсонпарвар мутафаккири Франсуа Вольтер (1694—1778) фикр доираси ниҳоятда кенг ва фаннинг турли соҳаларидаги ютуқларидан хабардор, билимдон эди. Мутафаккирнинг қадимги давр ва ўрта аср фани тарихидан хабардорлиги ҳайратланарли даражада чуқур бўлган. Умуман айтганда, XVII—XVIII асрлардаги француз маърифатпарварлигида шарқ мавзуси жуда сезиларли эди. Ўша даврда кўплаб олимлар, маданият арбоблари, ёзувчилар ва бастакорлар бу мавзуга катта эътибор берар эдилар. Улар яратган асарларда албатта бирор турк, араб ёки форс иштирок этар ва бу халқлар яшайдиган табиат манзаралари ёки уларга хос мусиқий оқимлар акс эттирилар эди. Вольтер ҳам ўзининг қатор асарларида бу мавзуга аҳамият берган. Бу нуқтаи назардан унинг «Задиг ёки Тақдир» номли фалсафий асаридаги «Саъдийнинг султон-бека Шераага аталган рисола»си диққатга сазовордир. Вольтернинг бу рисоласи ҳижрий 837 йилнинг 18 шаввали, яъни 1434 йил 28 майи билан саналанган. Рисолада Улуғбек номи тўрт марта эслатилади: уларда Саъдий Улуғбекни «Машҳур Султон Улуғбек», «Улуғбекка кўпроқ «Задиг» ёқарди», «Доно Улуғбек» ва «Ҳақиқий Улуғ» дейди.

Рисоланинг санасига келсак, албатта буни Улуғбекнинг ҳаётидаги бирор аниқ ҳодиса билан боғлаб бўлмайди. Ўша йилнинг май ойида Улуғбек укаси Бойсунқур Мирзонинг вафоти муносабати билан Ҳиротда бўлади ва 1434 йилнинг 30 майида Самарқандга қайтиб келади. Ўша йили бошқа эсда қоларлик ҳодиса рўй бермаган эди. «Султон — бека Шераа»ни ҳам Улуғбек ҳарамига алоқадор бирор аёл билан ҳам боғлаб бўлмайди. Бироқ «Саъдий»га келсак, Вольтер яратган бу образ учун Шарқнинг буюк шоири Саъдий Шерозий (1203—1292) прототип бўлган бўлса эҳтимол.

Вольтер қиссасининг ўзи эса бизни қадимги Бобил ва Эронга олиб кетади ва асар ҳаётий Улуғбекка тўғридан-тўғри алоқадор эмас. Аммо қиссанинг деярли ҳаммаси астрономик оҳанглар билан қамралган. Чунончи, уларнинг асосий қаҳрамони «Задиг» йил уч юз олтмиш беш-у чорак кундан иборат ва қуёш олам марказида» эканлигидан хабардор деб таърифланади, яъни Задиг гелиоцентрик дунёқараш тарафдори эканлиги таъкидланади; яна бир ерда Задиг ўз йўлини юлдузларга қараб танлайди ва Орион юлдуз туркуми билан «ярқираб турган Сириус ёритгичи» уни тўғридан-тўғри Канопус юлдузига йўналтиради. Яна бир ерда юлдузларнинг бош коҳини «Катта Айиқнинг катта ўғли Саврнинг акаси, Катта Итнинг холаваччаси» деб таърифланади ва ҳоказо. Ана шу тарзда Вольтер ўзига хос юмор ва маҳорат билан асарнинг сюжетига астрономик оҳангларни киритади.

Албатта Вольтер астрономик мавзуларни Қадимги Бобил фани тарихини ўрганишда XVIII асрда эришилган ютуқлардан руҳланиб олган бўлиши мумкин. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бу қиссадаги «Задиг тарихи»ни қадимги холидий тилидан «Машҳур Султон Улуғбекнинг хурсандчилиги учун араб тилига» таржима этилиши тасодифий бўлмаса керак.

«Машҳур Султон Улуғбек»нинг астрономияга интилишлари нима сабабдан Вольтернинг диққатини ўзига жалб қилганлигини аниқлаш учун «Задиг» қиссасини тарихий ва фан тарихи асосларини излаш мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Маълумки, XI асрнинг охирги чорагида Кастилия ва Леон қироллари бирлашиб, Испаниянинг мусулмон ҳокимиятига қарши юришни бошладилар, шу тариқа реконкиста деган ҳаракат бошланди. Араблардан тортиб олинган энг биринчи шаҳар Тулайтила (Толедо) бўлди, бу ҳодиса 1085 йили рўй берди. Бундан кейин Пиреней ярим оролидаги мусулмон мулклари биринкетин Кастилия ва Леон қироллари қўлига ўта бошлади. XIII—XIV асрларда улар «ер тўплашни» кенг кўламда олиб бордилар ва XV аср бошига келиб, мусулмонларнинг қўлида Пиреней ярим оролининг жанубий-шарқидаги Ғарнат (Гренада) эмирлиги қолди. Лекин бу даврга келиб Кастилия ва Леон қироллари Шарқда пайдо бўлган ҳавфли рақиб — Усмонли турк салтанати ташвишга сола бошлади. Ўша пайтда қариб, тинкаси қуриган Византия империяси ва Болқон ярим оролидаги қўшни Европа мамлакатларининг Усмонлилар томонидан босиб олинишидек даҳшатли бир ҳавф юзага келган эди. Усмонлилар салтанати, айниқса, Султон Боязид Йилдирим даврида ниҳоятда агрессив ва зуғумкор давлатга айланиб, у Болқон ярим оролидаги кўпгина ерларни ўз мулкига қўшиб олган эди.

Боязиднинг Ғарбга интилиши ниқобсиз ва сезиларли эди. Ундан қўрққан Венгрия қироли Сигизмунд Усмонлиларга қарши салб юришини ташкил қилиш мақсадида Европа пойтахтларини беҳуда кезиб юрарди. Шарқ масаласи Кастилия ва Леон қироли Генрих III (Энрикс) (1390—1407)ни ҳам ташвишга соларди. Боязиднинг келажакдаги режалари, унинг Европадаги юришни давом эттириш ва эттирмаслиги, ёки у ҳарбий юришларини Африкага ҳам кўчирадими ёки йўқми деган масалалар уни ниҳоятда қизиқтирарди. Чунки бу масалаларнинг ҳаммаси қирол Генрих III нинг шахсий режаларидан мантиқий хулоса сифатида келиб чиқарди. Ҳозирги Европа тарихчиларининг кўпчилиги Генрих III Пиреней ярим оролида реконкистани тезда тугатиб, Африкага ўтишга интилиши борлигини тан оладилар. Рим папаси ҳам реконкиста давом эттирилишининг қатъий тарафдори эди. Шуни ҳам айтиш керакки, испан қироллари юришларида Франция, Италия ва Германиядан кўплаб кўнгилли рицарлар иштирок этардилар. Ундан ташқари, генуялик ва венециялик қароқчилар Ўрта ер денгизининг шарқида бутунлай босқинчилик билан шуғулланардилар, испан қироли уларнинг бу ҳаракати йирик ғалабага айланишидан ҳамда унинг режаларини бузиб юборишидан ҳавфланарди. Мана шунинг учун Шарқда Амир Темур каби яна бир ҳавфлироқ жаҳонгир пайдо бўлиб, Боязидга қарши чиққанида Генрих III бу икки шарқлик ҳокимнинг ўзаро курашига катта диққат билан разм солди. 1402 йили Анқара жангини кузатиш ва ғолиб билан дипломатик муносабат ўрнатиш учун Генрих икки элчини юборади. Боязид устидан ғалаба қозонгандан сўнг Темур элчиларни қабул қилади ва Руи Гонзалес де Клавихо айтишича, «Буюк ҳоким Кастилия қиролига ҳурмати туфайли уларга катта илтифот билдиради» ва улар билан Испанияга ўз элчиси Муҳаммад ал-Қозини юборади. Қирол Генрихга Темурнинг бу илтифоти жуда қўл келади, чунки унга Боязиднинг ғолиби ўз дўстлигини билдираётган эди. Энди Генрих Шарқ масаласи бобида бироз хотиржамликка эришган бўлса ҳам бутунлай таскин топа олмайди. Шунинг учун у фурсатдан фойдаланиб, хавфли жаҳонгир билан дипломатик муносабат ўрнатиш унуи Темурнинг пойтахти Самарқандга ўз элчиси Руи Гонзалес де Клавихони юборади. Маълум бўлишича, де Клавихо Самарқандга фақат элчи сифатидагина эмас, балки «Темурбек ҳақида бирор маълумот тўплаш ва унинг истаги қандай эканлигини текшириб кўрмоқ мақсадида», яъни бизнингча айтганда жосуслик учун ҳам келади. Шундай қилиб, биз кўрамизки, Испаниядаги реконкиста кўп тарафдан Олд Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазият билан боғлиқ бўлиб, ўша даврда бу вазият Темурнинг фаолияти билан белгиланарди. Лекин ҳар ҳолда шуниси шубҳасизки, Темурнинг Анқара остонасидаги ғалабаси турклар томонидан Болқон ярим ороли халқларининг қулликка солинишини бир неча ўн йилликларга орқага сурди ва Европада реконкистани тезлаштирди. Бу муддат ичида Ғарб мамлакатлари турк юришига қарши тура оладиган даражада кучайиб, такомиллашиб олди ва келажакда турклар Болқон ярим оролидан ғарбга ўта олмади.

Де Клавихонинг Пиреней ярим оролининг жанубидаги Қадис шаҳридан Самарқандгача бўлган саёҳати уч йил давом этди. У кўрган ва эшитганларини ўз «Кундалик дафтари»да ёзиб қолдирди. Анқара жанги ва унда Темурнинг Боязид Йилдирим устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги хабар Европа бўйлаб тезда тарқалди. Де Клавихо «Кундалик дафтари»нинг Европада тарқалиши «Буюк Темурбек» номини у ердаги ўлкаларда донг таратди. Шунинг учун бу «Кундалик»ка қизиқиш ниҳоятда кучаяди ва у 1582 йили Ишбилияда (Севилья) Молина Гонзало де Арготе томонидан нашр этилади. Ўз навбатида бу нашр тарих, адабиёт ва драматургиядаги изланишларга катта туртки бериб, бу асарларнинг муаллифлари фақат Темурнинг ўзигагина эмас, балки унинг атрофидагилар ва оила аъзоларига ҳам, хусусан Улуғбекка ҳам эътибор берадилар.

Мана шундай асарлардан бири 1607 йили Парижда нашр этилган «Буюк Темурланг тарихи» бўлиб, унда Темур ва унинг авлодлари ҳақида ўша давр учун тўлиқ маълумот берилади. Худди шундай ном билан 1678 йили Амстердамда Де Санкционнинг китоби нашр этилади. Саккиз бобдан иборат бу асарда муаллиф Мовараннаҳр ва Эроннинг XIVаср ўртасидан то XV аср ўртасигача бўлган тарихи муфассал баён этилади. Унда Улуғбекка давлат арбоби ва олим сифатида катта аҳамият берилади.

Мустафо ибн Хусайн ал-Жанобийнинг 1680 йили Венада лотин тилида нашр этилган «Темурланг ғалабалари» номли асарида ҳам Темур жанглари ҳақида баён этилади. Муаллиф аслида турк бўлиб, араб ва форс тилидаги тарихий асарлардан яхши хабардор эди. У Улуғбек ҳақида, унинг илмий ва сиёсий фаолияти, фожиали ҳалокати ҳақида тўлиқ баён қилади. Ва ниҳоят 1739 йили Парижда икки жилдлик «Темурланг тарихи» номли китоб нашр этилади. Бу асарда хусусан Улуғбек ҳақида шундай жумлалар бор: «Мирзо Улуғбек Темурнинг Хитойга юришидан олдиноқ Тошкент, Сайрам шаҳарларининг ва бутун ўзбеклар ерининг ҳокими бўлди».

Юқорида эслатилган барча асарлар муаллифлари шарқшуносликка алоқадор бўлиб, улар Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан фойдаланишган. «Зафарнома» эса 1722 йили Парижда Пети де ла Круа томонидан тўрт жилдда нашр этилган. Шундай қилиб Ғарбий Европада тарихий асарларда Вольтердан анча илгарироқ Улуғбекнинг номи олим ва давлат арбоби сифатида маълум бўлган.

Ундан ташқари XVII асрнинг охирги чорагида Францияда иккита драматик асар пайдо бўлди: биринчиси, Жон Расиннинг (1639-1699) 1674 йили чиққан «Боязид» номли беш кўринишли фожиаси, иккинчиси Никола Прадоннинг (1632-1698) 1679 йили чиққан «Темурланг ёки Боязиднинг ҳалокати» номли фожиаси эди. Вольтернинг даврида бу фожиалар Париж саҳналарида қўйилар эди. Темурга аталган тарихий асарларда ҳам, саҳна асарларида ҳам Улуғбек уларнинг қаҳрамони сифатида иштирок этган. Ана шу тарихий ва саҳна асарлари туфайли Вольтер Улуғбек ҳақида Мовараннаҳр ҳокими сифатида тасаввурга эга бўлган.

Энди Вольтернинг Улуғбекни астроном сифатида билишига келсак, Бу асосан Улуғбек «Зижи»нинг Европадаги тарихи билан боғлиқ. 1648 йили инглиз астрономи Жон Гриве Улуғбек «Зижи»нинг юлдузлар туркумини ўз ичига олган «Каникулярия» номли асарини нашр этади. Бу китобнинг номида «Бир неча машҳур юлдузларнинг узунлама ва кенгламалари буюк Темурлангнинг набираси Улуғбекнинг астрономик кузатишларидан олинганлиги» таъкидланган.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, Улуғбек ўзининг машҳур астрономик асари «Зиж» туфайли фақат Шарқдагина эмас, ҳатто Ғарбда ҳам катта шуҳрат қозонган ва Европанинг Вольтер каби йирик мутафаккирлари ижодида чуқур из қолдирган.

Ашраф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ШУ кунларда мактаб ўқувчилари учун меҳнат ойлиги бошланди. Улар мураббийлар раҳбарлигида гуруҳларга бўлиниб, ўзлари ҳар куни фойдаланган синфхоналари, парталар, стол-стулларни таъмирлаш бўяш ишларини олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: 83-ўрта мактабда ўқитувчи Гулистон Сафаева 8-синф ўқувчилари даврасида ишни тақсимламоқда; ўқувчилар янги ўқув йилини бўялган, тоза стол-стулларда бошлаш ниятидалар.

Равиль Альбеков суратлари.

Ёш адабиётшунослар анжумани

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Фанлар академияси ижтимоий фанлар илмгоҳининг катта мажлислар залида республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани бўлиб ўтди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт илмгоҳининг директори, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев кириш сўзи билан очди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Султонов адабиёт илмининг янгича методологияси хусусида маъруза қилди.

Сўнг ёш адабиётшунослар анжумани бир неча шўъбаларда ўз ишини давом эттирди. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижодиёти шўъбаси, XX аср ўзбек адабиёти шўъбаси, қардош халқлар адабиётлари, адабий алоқалар ва таржимашунослик шўъбаси ҳамда адабиёт назарияси шўъбалари иш олиб борди.

Анжуманнинг якунловчи мажлисида шўъба раислари А. Ҳайитметов, С. Мамажонов, Э. Каримов ва Б. Саримсоқовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

** Ихчам тақриз*

ДАВРИМ САДОСИ

ЧАНГЧИ РУСТАМ НЕЪМАТОВ РЕПЕРТУАРИДАН

РЕСПУБЛИКАМИЗДА халқ чолғу ижрочилиги санъатига кейинги йилларда эътибор қучайиб бормоқда. Айниқса, ёш созандаларнинг жумҳурият миқёсида ўтказилаётган анъанавий танловлари ҳамда мақом ижрочиларининг беллашувлари иқтидорли ёшларни аниқлаб, халқимизга танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ёш созандаларни тарбиялаб, уларни саҳна санъатига чорлашда сифатли дарслик ва махсус қўлланмаларга эҳтиёж ҳам сезиларлидир. Шу нуқтаи назардан ёндошганда чангчи Рустам Неъматов концерт репертуаридан ташкил топган «Даврим садоси» (Ғафур Ғулом номли нашриётматбаа бирлашмаси чоп этган) қўлланмасининг китоб дўконлари пештахтасидан ўрин олиши чолғу санъати ихлосмандларига муносиб совға бўлди.

«Даврим садоси» уч қисмдан иборатдир. Биринчиси — «Тўпловчи муаллифдан» деб номланади. Унда Рустам Неъматов чанг чолғусининг сеҳрли садолари ва мафтункор оҳанглари ҳақида шеър ва ғазал битган Шарқ алломалари — Умар Ҳайём, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий каби улуғ зотларнинг фикр ва мулоҳазаларини келтиради.

Айни чоқда чанг чолғусининг садоланиш сифатини яхшилаш, шаклини таъмирлаш ва такомилга етказиш йўлида тинмай изланишда бўлган чолғу усталарининг меҳнат самараси ҳақида китобхон қизиқарли маълумотлар олади.

Келажакда малакали чангчи-созанда бўлиб етишиш учун аҳд қилган ёшларга муаллифнинг фойдали тавсияномалари ҳам мазкур бўлимдан ўрин олган.

Қўлланманинг иккинчи қисми эса Ўзбекистон бастакорларининг чанг ижроси учун махсус яратган асарлари (М. Тожиевнинг «Поэма»си, Н. Зокиров ижодидан «Концерт фантазия»си, Т. Тошматов ижод қилган «Концерт рондо»си, Р. Турсуновнинг «Чанг таронаси» ва бошқалар) ҳамда чанг ижросига мослаштирилган ўзбек халқ куйлари («Ўзганча», «Чаман ичра»)дан ташкил топган. Шу боисдан ҳам «Даврим садоси» китоби нафақат профессионал чанг ижрочилари, балки олий ва ўрта махсус мусиқий ўқув юртлари ҳолида уч юздан ортиқ болалар мусиқа мактаби ўқувчилари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Ва ниҳоят учинчи қисм «Шарҳлар»дан иборат. Муаллифнинг ҳар бир мусиқий асар ижросига доир методик характердаги кўрсатмалари ва тавсияномалари ёш созандалар учун муҳим сабоқдир.

Олий ва ўрта махсус мусиқий билим юртларини битириб чиқаётган созандалар орасида ижро кўникмаларини ва маҳорат сирларини ўртамиёна эгаллаган чолғучилар ҳам учраб туради. Натижада уларнинг ижро этган асарлари таъсирчанлик сифатига эга бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда «Шарҳлар» бўлимида муаллиф келтирган фикр ва мулоҳазалар муҳим аҳамият касб этади.

«Даврим садоси» қўлланмасининг чоп этилиши халқ чолғу ижрочилиги ва мусиқий таълим учун кутилган совға бўлди.

Мактуба БОБОНАЗАРОВА,
Марғуба БОБОНАЗАРОВА,
Гулчеҳра СУЛТОНОВА,
Тошкент Давлат консерваторияси талабалари.

** Яхшилар ёди*

АЛЛОМА ҚОЛДИРГАН МЕРОС

Яқинда машҳур бастакор, хонанда ва созанда, академик Юнус Ражабийнинг таваллудига 95 йил тўлиши ҳамда олимнинг ишлаб, ижод этган маҳаллага номи берилиши муносабати билан Абдулла Авлоний маҳалласидаги (Яккасарой райони) «Шарофат» чойхонасида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Юнус Ражабийнинг оила аъзолари, дўсту биродарлари ҳамда маҳалла аҳли жамулжам бўлишди. Кечани Ўзбекистон халқ артисти Орифҳожи Алимаҳсумов кириш сўзи билан очди.

Сўзга чиққан ҳамкасб, ҳамнафас ошналари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев, Тошкент Давлат консерваторияси профессори Илёс Акбаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, жумҳурият ҳамза мукофоти соҳиби, мусиқашунос олим Матниёз Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова, Юнус Ражабий уй-музейи директори, филология фанлари номзоди Ғани Жаҳонгиров, тарихчи олим Сулаймон Азимовлар ширин хотиралар билан ўртоқлашиб, бастакорнинг ўзбек халқ миллий мусиқа санъатига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

⊙ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат ДУСТХУЖАЕВ:

— Дунёда бахтли одамлар кўп, шулар жумласидан биз ҳам. Биз 1928 йилда Юнус ака, машҳур созандалар Лутфулла Ғофурий, Зокиржон Содиқовлар билан бирга мусиқа мактабида ўқиганимиз. Ёдимда, мен 1930 йилда Юнус ака билан Москвага бордим. У вақтларда Тошкент радиоси Ленин номи билан, Москва радиоси Коминтерн номи билан юритиларди. У ерга биз Юнус аканинг Ўзбекистон радиосининг ўта муҳим муаммолари ҳақида ёзган хатлари юзасидан борган эдик. Ўша ердаги Юнус аканинг обрўларини кўриб, уларга яна бир бора ҳурматим ошди.

Ҳа, Юнус ака Ўзбекистон радиосининг обрўйи ошишида жуда катта ҳисса қўшганлар.

У кишининг билмайдиган ҳунарлари саноқли бўлса керак. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, латифа айтишда, пазандаликда унинг олдига тушадиган одам йўқ эди. Мен у киши билан бирга ишлаш, бирга ҳамнафас бўлиш бахтига эришганим билан ҳали-ҳали фахрланиб юраман.

⊙ Тарихчи олим Сулаймон АЗИМОВ:

— Юнус ака билан 1928-1929 йиллари танишган эдим. Тўғри, мен санъаткор эмасман, қайси меҳмон «Шашмақом»ни қайта тиклаб, унга жон бағишлаган улкан санъаткор шу ерда яшаган экан, деб нафақат у кишига, балки унинг ҳурматини жойига қўйиб, бу ерни ажойиб зиёратгоҳ қилиб қўйган халқига ҳам ҳаснолар айтиб кетсин-да.

⊙ Юнус Ражабий уй-музейи директори, филология фанлари номзоди Ғани ЖАҲОНГИРОВ:

— Устоз Сулаймон аканинг гаплари жуда тўғри. Яқинда биз 30-йилларга тааллуқли бир ноёб сурат топиб олдик. Бу, давлатимиз арбоби Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистондаги барча машҳур ҳофизлар билан биргаликда тушган суратлари. Ҳофизлар ўша вақтларда ҳам (балки ундан кўпдир) номи чиққанларининг ўзи 40 та бўлган экан. Ҳозирги кунда ҳар бирларининг ҳаётлари ва фаолиятларига доир маълумотлар йиғяпмиз.

Асли бизнинг ҳам мақсадимиз музейни ўзбек халқ миллий мусиқа санъатига оид нимаики бўлса, шу ерга йиғиб, ҳақиқий мусиқа санъати саройига айлантириш. Фурсатдан фойдаланиб, бир илтимосимни айтиб қолай. Агар кимда ўзбек мусиқа санъатига доир асарларми, ҳужжатлар...и, фотосуратларми, миллий чолғу асбобларими бўлса, бизга хабар берсин ёки учрашсин. Музейга ҳозир ана шундай ноёб кўргазмалар жуда-жуда зарур.

⊙ Яккасарой райони маданият бўлими мудири, кеча ташаббускори Мирзатилла МИРЗАРАИМОВ:

— Яқинда биз устоз санъаткор Юнус Ражабий яшаб, ижод этган маҳаллага у кишининг номларини бердик. Бу эзгу ишларимиздан мақсад шуки, одамлар шундай кишиларга ўхшаб юришсин, ўрнак олишсин. Бизнинг маҳаллада менга шундай алломалар яшаган, деб фахрланиб шуларга эргашсинлар, деймиз. Чунки ҳар ким туғилиб ўсган жойида азиз. Биз бундан буён ҳам мана шундай учрашувлар ўтказиб, миллий қадриятларимизнинг юзага чиқишига қўлимиздан келганча ҳисса қўшаверамиз. Негаки, мана кўриб, гувоҳ бўлаяпмиз: бундай ижодий, тарбиявий ва ахлоқий учрашувлар тез-тез уюштириб турилиши керак экан.

Биз, Яккасарой райони маданият бўлими ходимлари учрашувимизга ташриф буюрганларингиз учун сиз отахонларга, устозларга, маҳалла аҳлига чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

⊙ Юнус Ражабий номидаги маҳалла комитети раиси Тойнржон ҚУЧҚОРОВ:

— Мен Юнус акам билан 1959 йилда Кисловодскда танишиб қолган эдим. У кишининг одоб-ахлоқ, иймон-эътиқодда, одамлар билан ўзаро муносабатларини, орттирган тажрибаларини кўриб, халқ ўртасидаги катта ҳурмат ва эътиборларига тан бердим. У киши тақдир тақозоси билан бизнинг маҳаллага кўчиб келиб, шу ерда яшадилар. Келган кунларидан бошлабоқ у киши маҳалла аҳлига одоб ва ахлоқда намуна кўрсатиб келдилар. Қани, маҳалламизга ҳам Юнус аканинг номлари берилса-ю ҳамма у кишига эргашиб юрса, деб орзу қилардик. Мана, ниятимиз холис экан, маҳалламизга уларнинг табаррук номлари берилди. Биз энди ҳар қанча фахрлансак арзийди.

⊙ Ўзбекистон радиосининг бўлим муҳаррири ўринбосари Афуза УМАРОВА:

— Мен Юнус Ражабийнинг тўнғич неваралари бўламан. Бундай бахтдан фахрланмай бўладими? Ҳозир устоз санъаткор, улкан мусиқашуносларимизнинг бувамиз ҳақидаги таассуротларини эшитиб туриб, яратганга шукрлар бўлсин, деб ўтирибман. Ҳа, бувамиздан ўзбек халқ миллий мусиқа санъати соҳасидаги 12 томлик асарларидан (билсангиз керак, асарларининг энг гултожиси «Шашмақом»дир) ташқари ўн икки фарзанд — зурриёд қолган. Барча фарзандлар ота изидан бориб, тўғри йўл танлашди. Мана, бирлари Аҳмаджон Юнусов телестудияда режиссёр, Маҳмуджон Юнусов тиббиёт олийгоҳида домла, ҳофиз Ҳасан Ражабий мақомчилар дастасида, Обид Юнусов актёр, Ўзбекистон халқ артисти. Қолганлари ҳам турли соҳаларда меҳнат қилиб, жамиятимиздан ўз ўринларини топганлар. Неваралари, эвараларини айтмайсизми? Ҳозир юздан ошиб кетган. Бу ҳам катта мерос эмасми?

Мен ҳам шу кишининг неваралари эканимдан бахтиёрман. Ҳар қадамда бувамнинг халқ ўртасидаги топган ҳурмат-эътиборларини сезиб, ғурурланаман ва оиламиз обрўйини сақлашга ҳаракат қиламан. Бувамиз номларини маҳаллага қўйган яхши одамлар олдида ҳаминша қарздормиз.

Кечани устоз Юнус Ражабийнинг шогирдлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова, Ўзбекистон халқ ҳофизи, шогирд-фарзанд Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон халқ артисти Орифҳожи Алимаҳсумов, етук мақомчи Саидазим Қудратиллаев, Ўзбекистон радиосининг бир гуруҳ созандалар дастаси ўз қўшиқ ва куйлари билан файзиёб этишди.

Зоир ТУРСУНОВ.

ЧОРРАҲА

** Суратли репортаж*

«ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР—92»

ШУ кунн эрталабдан шаҳримиздаги 9-мактаб ҳовлиси ўқувчилар билан тўла бошлади. Бу ерда ўзгача файз ва саришталик ҳукмрон. Имтиҳонлар бошлангандан кейин болалар билан гавжум бўлади-да, дейишингиз мумкин. Фикрингиз тўғри. Аммо ҳар ёр, ҳар ерда ўз ўқитувчилари раҳбарлигида давра қуриб, нималардир ҳақида қизғин баҳслашаётган ўқувчиларни, уларнинг эгниларидаги бежирим ва чиройли либосларни кўриб бугун бу ерда бирон-бир тадбир ўтказилаётган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Ҳа, топдингиз. Ўқувчилар «Яшил чироқлар—92» танловида иштирок этиш учун пойтахтимиздаги барча 11 та район мактабларидан ташриф буюришган. Биз фурсатдан фойдаланиб, мусобақа ташкилотчиларини суҳбатга тортдик.

⊙ Омон МАМАСОЛИЕВ, Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси халқ таълими бош бошқармасининг тарбиявий ишлар бўйича бош мутахассиси, ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Бугунги кунда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларида кўплаб болалар нобуд бўлиб, турли даражада тан жароҳатлари олаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан мактаблар ва болалар боғчаларида махсус жиҳозланган автомайдончалар, автосинфлар ва автошаҳарчалар ташкил этишга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу кунгача 68 та автомайдонча, 9 та автосинф ва 1 та автошаҳарча барпо этилди. Яна 58 та автомайдонча, 13 та автосинф ва 6 та автошаҳарча бунёд этишни режалаштириб қўйганмиз. Бу тадбирларни амалга оширишда оталиқ ташкилотлар, ота-оналар, маҳалла комитетлари ва шаҳар давлат автомобиль назорати ходимлари баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

⊙ Бахтиберди МУРОДОВ, шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бўлим мудири, ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси:

— Агар рақамларга кўз ташлайдиган бўлсак, 1990 йилда болалар ўртасида 389 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. 1991 йилда бу кўрсаткич 397 тага етди. Шундан 1990 йилда 17 нафар, 1991 йилда 13 нафар бола ҳалок бўлди, шунга мувофиқ равишда 641 ва 701 нафар бола жароҳатланди. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга гўдаклик чоғиданоқ кўча ҳаракати қоидаларини ўргатиб боришимиз даркор. Айни пайтда бошқармамиз мактаб ва болалар боғчаларини кўргазмали қуроллар билан таъминлаш масаласи билан шуғулланмоқда. Шу нуқтаназардан олиб қараганда бундай танловларни мунтазам равишда ўтказиб туришнинг самараси жуда катта...

Ниҳоят танловни ўтказишга ҳозирлаб қўйилган майдончага саф тортган 12 та команда капитани ҳакамлар ҳайъати раисига рапорт бергач, мусобақалар бошланди. Унда ҳар бир команда 8 босқичдан иборат амалий ва назарий топшириқларни, яъни майдончада қўшиқ куйлаб саф тортиб юриши, ҳарбий тайёргарлик ва йўл ҳаракати қоидаларини билиши, велосипедни бошқариш кўникмаларига эга бўлиши, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жароҳатланганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсата билиши ҳамда Давлат автомобиль назорати ходимларининг саволларига қисқа ва лўнда жавоб беришлари шарт эди. Шуни айтиш керакки, ДАН ходимлари ва ҳакамлар командалар ҳар бир босқич топшириғини нечоғли тўғри бажаришаётганини қатъий назорат қилиб бордилар. Ҳар бир команда ўз олдига қўйилган вазифани аниқ бажаришга ҳаракат қилиб, республика финалига бериладиган ягона йўлланмани қўлга киритишга интиларди.

Саф тортиб қўшиқ куйлаб юриш ва назарий жиҳатдан Ҳамза районидаги 282-мактаб ва Собир Раҳимов районидаги 249-мактаб командалари бошқа командаларга нисбатан анча пухта тайёргарлик кўрганликлари сезилиб турарди.

Пировардида қарийб 4 соат давом этган қизғин ва муросасиз баҳслардан сўнг Ҳамза районидаги 282-мактаб командаси 37 балл тўплаб ғолибликни қўлга киритган ҳолда республика финалига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 33,8 балл жамғарган Собир Раҳимов районидаги 249-мактаб ҳамда 33,3 балл тўплаган Акмал Икромов районидаги 106-мактаб командаларига насиб этди. Ҳакамлар ҳайъатининг раиси Омон Мамасолиев совриндорларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топшириб, уларга келгуси йилда ўтказиладиган мусобақаларда янги зафарлар тилади.

Исмоил ЗОИРОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: «Яшил чироқлар—92» танловидан лавҳалар.



«Йўл белгилари мамлакатига саёҳат»

БОЛАЛАР уйи ва у ерда тарбияланаётганлар ҳақида сўнгги йилларда тез-тез ёзилаяпти. Чунончи, болалар уйларида яшаб улғаяётганлар ҳам давлатимиз фуқаролари бўлиб етишадилар. Ўқитувчи ва тарбиячилар болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашлари жараёнида уларга кўчакўйда юриш тартиб-қоидаларини ҳам ўргатиб борадилар. Фикримизнинг далили сифатида шаҳримиздаги ёрдамчи 30-болалар уйида ўтказилган тадбир ҳақида тўхталсак бўлади.

Яқинда 30-болалар уйининг директори Р. Г. Мустақимова «Йўл белгилари мамлакатига саёҳат» номли театрлашган томоша ўтказаётганликлари, тадбирда шаҳардаги барча болалар уйларининг раҳбарлари қатнашаётганлиги, сўнг семинар-кенгаш ҳам бўлишини айтиб ва бу ишда амалий ёрдам беришимизни илтимос қилиб шаҳар ДАН бошқармасига мактуб йўллаган эди.

Ушбу ташаббус, очиғи бизларни ҳам жуда қувонтирди. Илтимосга биноан болалар уйи ҳовлисида автомайдон чизиб берилди. Ҳамза район ДАН бўлинмаси анжуманни ўтказиш учун йўл белгилари билан ёрдам берди.

«Йўл белгилари мамлакатига саёҳат» номли театрлашган томошада болалар ўзларининг йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билишларини намойиш этишди. Қўшиқ, шеър ва рақслар ижро этишди. Ношуд Билмасой ролини ижро этган Таня Зарипова эса ўзининг моҳирлиги билан йиғилганлар таҳсинига сазовор бўлди.

Сўнгра болалар автомайдончада амалий билимларини намойиш этдилар. Чорраҳадаги ҳаракатни энг яхши бошқарувчиси деб Алишер Юндин тан олинди.

Бу ерга йиғилган шаҳримиздаги барча болалар уйлари раҳбарлари болаларга йўл ҳаракати қоидаларини шу тарзда ўргатиш анчайин мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқаришиб, келгусида бошқа жойларда ҳам бу каби тадбирларни ўтказиш ҳақида келишиб олишди.

Рамзиддин МУҲИДДИНОВ.

СУРАТДА: «Йўл белгилари мамлакатига саёҳат» томошасида.

«ДУШМАН» БИЛАН ДЎСТЛАШМАНГ

ҲАЁТИМИЗНИНГ ажралмас қисмига айланган транспорт воситаси соз бўлса, уни ғизиллатиб ҳайдаш қандай маза. Лекин аксарият ҳолларда ана шу маза бурундан булоқ бўлиб чиқиши мумкинки, бунга Тошкент шаҳрида содир бўлаётган ИТҲ (йўл транспорти ҳодиса)ларидан мисоллар келтирсак бўлади. Жумладан шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида шаҳримизда юз берган автофалокатлар сони ҳар жиҳатдан камайиб бораётгани бир маҳалда, тезликни ошириб юборганлик натижасида содир бўлган ИТҲ лари ўтган йилдагига нисбатан 51,7 фоизга кўпайиб 44 тани ташкил этди. Бу ҳодисаларнинг 38 тасини шахсий транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчилар содир этишди. Кўриниб турибдики, интизомсизлик ўз автоуловини бошқарган фуқароларимиз орасида жуда ҳам юқори. Жами тезлик сабаб юз берган автоҳалокатларда 61 киши турли хил даражада тан жароҳати олган бўлса, 14 киши бевақт оламдан кўз юмди.

Энди ҳақли савол туғилади. Хўш, нима учун ИТҲ лари ҳар томонлама камайиб бораётган бир вақтда, тезлик оқибатида келиб чиққан ҳодисалар кўпаймоқда? Аввало шуни айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти муносабатларига қадам ранжида этилиши бу ерда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Биринчи навбатда ёқилғи ва сўнгра автоулов эҳтиёт қисмларининг нархи бир неча баробар қимматлашуви натижасида ҳамма ҳам ўз транспорт воситасини ўйлаб, ҳуда-беҳудага минавермайдиган бўлиб қолди. Буни кўчаларимизда автомобиллар ҳаракати оқимининг сезиларли даражада камайганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Айрим босар-тусарини билмайдиган «ўпкаси йўқ» ҳайдовчилар кўчалардаги транспорт воситалари сийраклигидан фойдаланиб тезликни шу даражада оширишадики, кўпчилик ҳолларда натижа ИТҲ билан тугайди.

Мана, масалан, 3 апрель куни Акмал Икромов районида Тошкент Ҳалқа йўлининг Ўрикзор маҳалласи рўпарасида К. Улуғбобоев Э 3432 ТН рақамли «Жигули» автомобилини тезликни ошириб бошқаради. Қарама-қарши йўналишдан келиб, орқага қайрилиб кетаётган 3131 ТНЛ рақамли УАЗ—452 автомашинасини оралиқда 30 метрча масофа қолганда кўради. У машинасини тўхтатишга қанчалик ҳаракат қилмасин 28 метр тормоз изини қолдириб, олдинда кетаётган ҳалиги машинага бориб урилади. Натижада ўзи тан жароҳати олиб II Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи шифохонасига ётқизилади. Яхшиямки оқибат у даражада аянчли бўлмади.

Айни кунларда кўпни кўрган ҳайдовчилар билан суҳбатлашиб қолсангиз, транспорт воситаси кам бўлишига қарамай, айниқса кечқурунлари ҳатто светофорнинг яшил чироғи ёниб турганида ҳам ҳадиксираб ўтишларини айтишади. Сабаби кўндаланг кесишган кўчалардан ҳеч нарсага қарамасдан «мингта қўйиб» бирор-бир учар чиқиб қолиши мумкин. Агар сиз ҳам бир озгина безэътибор бўлсангиз тўқнашув юз бериши ҳеч гапмас.

Хулоса қилиб нима дейиш мумкин, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган, ҳаётимиз фаровонлигининг белгиси бўлган автомобиль бошқарувчисининг энг биринчи душмани бу спиртли ичимлик истеъмол қилиш бўлса, иккинчиси тезликни оширишдир. Буни доимо ёдда сақлаш зарур.

Бахтберди МУРОДОВ,
Тошкент Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори.

Жабрланувчига ёрдам бермай

жуфтакни ростлаётган ҳайдовчилар

БЕПАРВОЛИК ва шошма-шошарлик туфайли кишиларнинг тан жароҳати олиши ҳамда ҳалок бўлиши билан боғлиқ йўл ҳаракати ҳодисалари шаҳримизда ҳар куни содир бўлиб туради. Шулардан ҳар 2—3 ҳолатда ҳайдовчилар бахтсиз ҳодиса содир бўлган жойдан жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб кетишни ўзларига афзал кўряптилар.

Мисолларга мурожаат қилайлик.

Шу йилнинг 9 март куни Волгоград кўчаси бўйлаб 97—99 ТНМ рақамли ГАЗ-53 автомашинасини ҳеч бир ҳужжатсиз бошқариб бораётган ҳайдовчи Ф. Т. Одилов (у киши маълум бўлишича, 7-автодормехбазада раҳбар лавозимида — бош муҳандис бўлиб ишлар экан) 100-мактабнинг 5-синф ўқувчиси В. Киселёвни уриб юборади, ёш болага ёрдам кўрсатиш ва милицияга хабар бериш ўрнига қочиб кетишни лозим топади. Тахминан ярим кечага бориб қидирув ишлари натижасида ҳайдовчининг шахси аниқланди.

Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўлаяптики, ҳайдовчи пиёдани уриб юборибми, уни ўз машинасида касалхонага ёки уйига олиб борадими-да, шу билан виждони олдида ўзини пок ҳис қилиб, у ердан жуфтакни ростлаб қолади.

Масалан, 14 март куни соат 16 дан 30 дақиқа ўтганда Ҳамза районидаги С. Машҳадий кўчасида 1918 йилда туғилган С. Безмолитвеннийни туртиб юборган ВАЗ-2105 маркадаги давлат рақами Ф 61—18 ТН бўлган автомашина ҳайдовчиси А. Гулмамедов тан жароҳати олган ўша кишини уйига олиб борадида, хайр-хўшни насия қилиб жўнаб кетади. Бир оз фурсатдан сўнг беморнинг аҳволи оғирлашиб, касалхонага мурожаат этишга мажбур бўлишади.

Касалхонадан эса авария туфайли тан жароҳати олган бемор мурожаат этган заҳоти Давлат автомобиль назорати навбатчилик қисмига маълумотнома келади ва ҳайдовчи кетиб қолган шароитда ДАН хизматчиларининг уни аниқлаш учун қанча вақти кетиши, неча жойга бориб келишини тасаввур қилиб кўринг-а. Бундан ташқари жабрланувчининг олдига ўша ҳайдовчи келиб, ҳол-аҳвол сўраб, қўлидан келган ёрдамни берса, касалхонадаги беморнинг кўнгли тоғдек кўтариларди.

Афсуски, баъзан «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин бўлса ҳам чиқади», деган доно халқ мақолига амал қилмайдиган, номардликни ўзига эп кўрган ҳайдовчилар учраб туради.

Шу йилнинг 1 февраль куни кеч соат 19 ларга яқин «Фарғона йўли» кўчасининг тор кўчаси билан кесишган чорраҳасида номаълум «Жигули» автомашинаси ёши анчаларга бориб қолган бир аёлни уриб кетади ва унинг ҳайдовчиси тўхтаб ёрдам кўрсатишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди, қош қорайиб қолганига қарамай бир йўловчи автомашина ҳайдовчиси унга ёрдам кўрсатиш учун касалхонага олиб кетаётганда ҳалиги аёл киши жон беради. Р. Даминов бошчилигидаги қидирув бўлими ходимларининг қатъий ҳатти-ҳаракатлари туфайли кеч соат 23 ларга бориб «қочоқ» ҳайдовчи ва ВАЗ—2103 маркали, давлат рақами Т 88—08 ТН бўлган автомашинаси аниқланди, маълум бўлишича «довюрак» ҳайдовчи экскаватор заводида дурадгор бўлиб ишловчи Замон Очилов экан.

Худди шундай ҳодиса 3 март куни эрталаб соат 7.30 ларда С. Раҳимов районидаги Юнусов кўчасида ҳам содир бўлди. Қорақамиш даҳаси, 57-а уй қаршисида бирваракайига 3 кишини уриб юборибми тўхтамасдан ўтиб кетган «Жигули» автомашинаси ҳайдовчиси қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари С. Акбаров раҳбарлигида Ш. М. Бегимбетов ва Х. Ирисқуловлар томонидан кечга томон аниқланди. ВАЗ—2106 маркали давлат рақами У 76—88 ТН бўлган автомашинанинг ҳайдовчиси 1955 йилда туғилган, «Орзу» ширкати ишчиси Эркин Тошмуҳамедов бўлиб чиқди.

Текшириш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Э. Тошмуҳамедов оғайнисига тегишли бўлган автомашинани ҳеч бир ҳужжатсиз, улуғ айём, қутлуғ кунлари бўлишига қарамай ширакайф ҳолда «хўроз» бўлиб бошқарган экан.

Оғир тан жароҳати олган 3 кишидан бири ҳалок бўлди, қолганлари эса реанимация бўлимига ётқизилди. Ҳаётдан кўз юмган инсон эндигина 23 баҳорни кўрган ҳомиладор аёл эди... Ҳозир шу ҳодиса бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина автокорхона раҳбарлари ўз қўл остиларидаги автоулов воситаларини ҳар куни тегишли жойда сақлаш борасида ҳайдовчилар устидан назорат қилиб туришга панжа орасидан қарамоқдалар, оқибатда жуда кўп ҳолларда давлат машиналарини кимга қаер қулай бўлса (ким ўз уйида, қўшнисиникида, шахсий транспортлар турадиган жойларда) ўша ерда кечаси сақламоқдалар.

Бу эса айрим «қочоқ» ҳайдовчиларга қўл келмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб жуфтакни ростлаган ҳайдовчилар гаражга бориш ўрнига машинани уйига олиб бориб ёки бирон-бир шахсий устахонада эрталабгача машинанинг пачоқ бўлган жойларини тузатиб «Туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутмоқдалар, яна ҳеч нарса бўлмагандек эртасига ишга чиқиб кетяптилар.

Кўпинча куппа-кундуз куни одам гавжум жойларда, жамоат транспорти тўхташ жойларида, кўпчиликнинг кўз ўнгида йўл-транспорт ҳодисалари рўй бериб, машиналар пачоқланади, кишилар жароҳатланади, лекин бунга кимнинг сабабчилиги номаълум бўлиб қолади. Бу ҳолни кўрсак ҳам кўрмасликка оламиз, ёрдам қўлини чўзишдан олдин иккиланиб қоламиз, яъни гувоҳ бўлиш деган сўз деярли барчани чўчитади. Бунинг баъзи бир объектив сабаблари ҳам бор, албатта. Аммо бу савдо ҳар биримизнинг бошимизга тушиб қолиши эҳтимоли йўқ эмас-ку.

Ҳар ҳолда кўрган-билганларингиз ҳақида исм-шарифсиз бўлса ҳам қуйидаги телефон рақамлари орқали сим қоқиб қўйишдан вақтингизни аямасангиз очилмай қолган жиноятлар сони анча камайган бўлур эди: 32-11-66, 56-66-07, 56-97-21 ёки «02» га.

Чунончи, шу йил 8 март куни кундуз соат 14.50 да Яккасарой районидаги Голубой тор кўчасида 3 яшарлик М. Фозиловни номаълум «Жигули» автомашинаси уриб юборган, натижада тан жароҳати олган бола касалхонага олиб кетилаётганда жон берди. Ёки 11 март куни соат 19.00 да Сергели даҳасининг 8-мавзе, 72-уй қаршисида номаълум автомашина 2 кишини — 29 ёшли Х. Комилов ва 28 ёшли И. Иброҳимовни уриб кетади, натижада Х. Комилов ҳалок бўлади, И. Иброҳимов эса касалхонага ётқизилади. Ушбу ҳодисалар бўйича сизга маълум бўлган далилларни юқорида кўрсатилган телефонлар орқали бизга хабар беришингизни илтимос қиламиз.

Азиз УМАРОВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция капитани.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Жамғарма банки

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 майда

«ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ТЎЛАНАДИГАН ФОИЗЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Қарорда қуйидаги фоизлар тасдиқланди:

⊙ талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича — 3 фоиз

⊙ муддатли омонатлар бўйича:
1 йилдан 3 йилгача 7 фоиз
3 йилдан 5 йилгача 10 фоиз
5 йилдан ортиқ 15 фоиз

⊙ ёшларнинг мукофотли омонатлари бўйича 7 фоиз

⊙ болаларнинг мақсадли омонатлари бўйича 15 фоиз

Янги фоиз миқдорлари 1992 йил 1 январдан бошлаб жорий этилади.

Бу ҳақдаги тўлиқроқ маълумотни 33-51-95, 33-78-02 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Жамғарма банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

1992—93 ўқув йилига

кундузги ва сиртқи бўлимларга

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Ёғочни қайта ишлаш жараёни»;

«Газ тармоқлари ва жиҳозларидан фойдаланиш»;

«Сув таъминоти ва оқова сувлар тармоқларидан фойдаланиш»;

«Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш»;

«Шаҳар электр транспортидан фойдаланиш, уни таъмирлаш ва энергия билан таъминлаш»;

«Қўкаламзорлаштириш, боғдорчилик ва истироҳат боғлари хўжалиги»;

Аризалар кундузги бўлимга — 1 июндан 20 июлгача, сиртқи бўлимга 1 июндан 1 августгача қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, Ш. Руставели кўчаси, 25-уй. (7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 57, 67, 58, 38-автобусларнинг «Бобур номли боғ» бекати).

ТОШКЕНТДАГИ «ҲАМКОРЛИК» МИНТАҚАВИЙ МАҲСУЛОТ-ХОМ АШЕ БИРЖАСИ

тадбиркор, ишбилармон кишиларни воситачилик ишларини бажариш учун вақтинчалик хизматга қабул қилади. Иш ҳақи келишув бўйича.

Ойига 10 мингдан 50 минг сўмгача ва ундан ҳам юқори миқдорда фойда тушиши мумкин.



33-29-33 — Солиҳ ЕҚУБОВ, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, масъул котиб
32-55-21 — Марғуба АКРОМОВА, масъул котиб ўринбосари

БЎЛИМЛАР

● Ижтимоий-сиёсий муаммолар
32-55-83 — Дилшод ИСРОИЛОВ, мудир
32-54-34 — Муҳиддин БОЗОРОВ, мухбир
32-54-34 — Гулзода МАМБЕТОВА, мухбир

● Иқтисодиёт ва ҳаёт
32-57-84 — Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, мудир
32-53-66 — Толиб НУРМУҲАМЕДОВ, мухбир
32-54-34 — Ғулом ЮСУПОВ, мухбир

● Фан, маданият ва ахлоқ
32-54-19 — Саъдулла ШОДИЕВ, мудир
32-55-52 — Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ, мухбир
32-55-52 — Исмоил ЗОИРОВ, мухбир

● Адабиёт ва санъат
32-53-10 — Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, мудир

● Ахборот
32-53-66 — Сунъат АЗЛАРОВ, мухбир

● «Маҳалладош» иловаси
32-53-66 — Зоир ТУРСУНОВ, мухбир

● Хатлар
33-29-70 — Зуҳра АЪЗАМХЎЖАЕВА, мудир

● Эълонлар
33-81-42, 32-57-27

● Шошилинч эълонлар хизмати
33-08-57.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

● Нашр кўрсаткичи 64690 ● Босмага бериш вақти 11.30. ● Босмага берилди. 11.40 ● Буюртма Г—134. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.